



TAVORIX
ISLAMONLINE.UZ

ТАРИХДА РАМАЗОН (18-КУН)

Юсуф ибн Тишфин

484-хижрий йил Рамазон ойининг 18-санасида (1091 йил 3 ноябрь) муробийлар давлати хукмдори Юсуф ибн Тишфин Испаниядаги мусулмон амирликларини бирлаштириш жараёнини якунлай олди. Севилья амири Мўътаmidнинг илтимоси билан Африкадаги муробийлар давлати бош кўмондони испан мусулмонлари ўртасидаги низоларни бартараф қилиб, феодал таркокликни маълум муддатга йўқ қилди. Иберия ярим оролидаги барча мусулмонларни бўйсундириб, у Реконкиста – яъни насронийлар томонидан мусулмонлар Испаниясини босиб олишни анча кечиктирди. 1091 йил унинг давлати Марокаш, Ғарбий Африка, мусулмонлар Испанияси ва Балеар ороллари ўз ичига оларди. Бирок бу Юсуф ибн Тишфиннинг Испаниядаги диндошларига биринчи

ёрдамга келиши эмасди. У Леон ва Кастилия кироли Альфонс VI га какшаткич зарба бериб, Заллак жанги (1086 й.) кахрамони бўлган эди. Заллакдаги галабадан сўнг Юсуф ибн Тишфин «амир ал-муслимийн» (мусулмонлар хукмдори) фахрли унвонини қабул қилди. У «амир ал-мўминийн» (мўминлар хукмдори) унвонидан воз кечди, чунки бу унвонни мусулмон дунёси рахбари саналган Бағдод халифасига муносиб, деб тан оларди.

Юсуф ибн Тишфин келиб чиқиши берберлардан эди. У ислом ерларини бирлаштириш бўйича ўз ишларни Африкадаёқ бошлаган. Магрибдаги муробийлар қўшини бош қўмондони этиб тайинланганидан бир йил ўтиб, Марокаш шахрига асос солди (1062 йил) ва уни ўз қароргоҳига айлантирди. 20 йил давомида ўрта Магриб ҳудудларини Жазоиргача бирлаштиришга муваффақ бўлди. Бу унга насронийларнинг тўхтовсиз ҳужумларига дучор бўлган Испания мусулмонларининг ёрдам чақиригига жавоб бериш имконини берди.

1086 йилнинг ёзида Юсуф ибн Тишфин бошчилигидаги муробийлар қўшини Севилья, Бадахос ва Гарнота амирларининг таклифи билан Марокашдан Андалузияга йўл олди ва йўл-йўлакай амирлар қўшинлари билан бирлашиб, Севилья орқали шимолга ҳаракат қилди. Альфонс VI га янги душманнинг яқинлашгани ҳақида хабар етиб келганида у мусулмонлар Сарагосасини қамал қилиш билан машғул эди. Леон ва Кастилия кироли Толедога шошилди ва тезда вилоятлардан қўшин тўплаб, шу ердан бирлашган мусулмон армиясига қарши борди. 1086 йил октябрда Заллак қонли жанги бўлиб ўтди. Севилья амири Мўътамид испан мусулмонларидан иборат авангардга қўмондонлик қилиб, муробийлар отряди унга етиб келгунга қадар қатта жасорат кўрсатди ва насронийлар ҳужумларини қайтариб турди. Ҳал қилувчи паллада 80 ёшли Юсуф ибн Тишфин ўз жангчилари билан испанларга орқа томондан зарба берди ва кечга бориб испанлар тор-мор қилинди. Улар қўшинининг қатта қисми жанг майдонида қолди, Альфонс VI нинг ўзи эса 30 нафар отлик билан бирга қутилиб қолди. Душманни мағлуб этган Юсуф ибн Тишфин Марокашга қайтди.

Абу Бакр ибн Умарнинг ўлиmidан кейин (1087 й.) Юсуф ибн Тишфин муробийлар давлатининг янги хукмдори бўлди. Унга Сахрои Кабир ва Сенегалнинг муробийлар қабилалари бўйсунарди. У ўз тангасини зарб этган бўлиб бу тангалар бир неча аср давомида муомалада бўлган.

1090 йил Севилья амири Мўътамиднинг таклифи билан муробийларнинг қудратли ва нуфузли хукмдори испан мусулмонлари ўртасидаги ихтилофларга аралашди ва бир йилда бу муаммоларни тугатди. Бунинг учун у кескин қораларга мурожаат қилиб, Малага ва Гарнота амирлари ўртасидаги низоларни қуч билан тўхтатишга мажбур қилди. Юсуфнинг бундай қадим ҳаракатлари Мўътамид ва Испаниядаги бошқа мусулмон хукмдорларга ёқмади, улар мустақилликни йўқотишдан қўрқиб қолганди. Натижада амирлар кечаги душманлари – насронийларни ёрдамга чақиришга қарор қилади. Бундай қарор, ўз навбатида, мусулмон улармоларининг қаттиқ қазибанишига сабаб бўлди, улар Мўътамид ва бошқа амирларни ағдарилган деб эълон қилди ва Юсуфни бидъатчилар ва динсизлар ҳукмронлигига қарши беришга чақирди. Бироқ 85 ёшга тўлган хукмдор бу вазифани ўз қарқардаси Зир ибн Абу Бакрга топширди, ўзи эса Африкага қайтди. Юсуф ибн Тишфин Испаниянинг муробийлар давлатига яқиний қўшилишини қўра олмади. Юз ёшдан ошган қария 1106 йил вафот этди. Унинг Магриб ва Испания мусулмонларини бирлаштириш бўйича қарқарлини ўғли Али қарқар эттирди. У қарқар қилиб олган ерларда отаси 1062 йилда асос қолган Марокаш шахрида ўз қарқарли

бўлган кучли марказлашган давлат тузди.

Абу Муслим таржимаси